



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (12.911)

Баҳоси эркин нарҳда

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март кuni бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:
Ҳиндистон Республикаси Президенти —
Пранаб Мукержи

Сингапур Республикаси Президенти —
Тони Тан Кенг Ям

Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти —
Чуммали Сайньясон

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби —
Талеб Рифаи

ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори — **Коичиро Мацуура**
«Италия — Ўзбекистон» умумпартиявий дўстлик ғуруҳи
раҳбари — **Пьетро Лафранко**

Япониянинг энергетика ва саноат бўйича янги
технологияларни ривожлантириш ташкилоти раиси —
Казуо Фурукава

Япония тиббиёт ускуналари соҳасида ташқи техник кўмак
ташкilotи раиси — **Кеничи Мацумото**

Кейо университети ректори — **Ацуши Сеикэ**

Цукуба университети ректори — **Кёсукэ Нагата**

«Кавасаки Хэви Индастриз» компанияси президенти —
Сигэру Мураяма


«Тойоко Инн Хотэл Груп» раҳбари — **Норимаса Нишида**
табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Ислохотлар оқидамида



ЮРТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» йўналишида маҳсулотларнинг тақдими ўтказилди.

Мамлакатимизда тadbиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг гаровидир. Бугунги кунда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги остида республикамизнинг кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорда ўзининг сифати ва арзон нархи билан нафақат халқимизга манзур бўлмоқда, балки хорижий бозорларда ҳам ўз ҳаридорларини топтомоқда.

Мазкур тadbирни ўтказишдан қўзланган мақсад кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни республикамиз оммавий ахборот воситалари ёрдамида халқимиз эътиборига етказиш ҳамда уларнинг маҳаллий бозорларда кенг тарқатилишига кўмаклашишдан иборатдир.

Тақдимотда «FOTON», «AZN», «UZTELMASH» масъулияти чекланган жамиятлари, «POISON ELECTRONICS» ҚҚ МЧЖ, «ALUBOND COMPASITE MATERIAL» ҚҚ МЧЖ,

«Ўзэлектроаппарат-Электрощит» ҚҚ МЧЖ ва бошқа корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этишди.

— 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги остида кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг тақдими ўтказиш ташаббусини илгари сурмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг масъул ходими Ғофуржон Усмонов. — Ўтган йилда республика ҳудудларида 350 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик корхоналари иштирокида 12 та тақдимотлар ўтказилди. Шунингдек, Хоразм, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида юртимиз тadbиркорлари иштирокида кўргазмалар ўтказилди. Ушбу тadbирда жами 319 нафар кичик бизнес субъектлари иштирок этганини таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-бетда)

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, олий ўқув юртли ва талабалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда кутубхона фойдаланувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев ва бошқалар ўтганлар хотирасини муқаддас билиш, кекса авлод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш миллий маънавиятимизнинг узвий қисми эканини таъкидлади. Юртимизда ёши улғу инсонларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратишда бу янада аққол намоён бўлмоқда.

Фахрийлар билан бундай учрашувлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни тақомиллаштириш, авлодлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фахрийлар шахсий ҳаёти ва ўтган синовли кунлардан мисоллар келтириб, ёшларга бугунги тинч-осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш

ҳамда ҳимоя қилиш қанчалик муҳим эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

— Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга бебаҳо ҳисса қўшган ота-боболаримизнинг умр йўли, ҳаётий тажрибалари билан танишиш биз учун ниҳоятда ибратли, — дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Мужоидхон Ҳамзаев. — Иккинчи жаҳон урушида катта бобом ҳам ҳалок бўлган. Мен бобом билан фахрланаман ва келажақда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Тadbирда тинчликни, Ватан ва одамийликни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро этилди.

Ф.ИБОДОВА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида

«Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси томонидан

узумчиликни ривожлантириш, қайта ишлаш

корхоналарининг хомашё базасини мустаҳкамлаш ва

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига

бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Мамлакатимизда тоқзорлар ҳосилдорлигини кўпайтириш, узумни қайта ишлаш корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш орқали маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилаётган доимий эътибор бозорларимиз тўқинлиги ва корхоналар экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

«Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси таркибидаги корхоналарда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш доимий эътиборда. Компания томонидан мазкур корхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш учун янги технологик линияларни ўрнатиш ва виночилик саноати рентабеллигини ошириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётир.

Йилига 200 минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга компанияда 2006-2014 йилларда истиқболли корхоналар қуриш, мавжудларини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш мақсадида бир юз саксондан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, 334 миллиард сўмликдан зиёд инвестициялар жалб этилди. Тошкент ва Жиззах вилоятларида консерва, Эликқалъа туманида салқин ичимликлар ва шарбатлар, Қўқон ва Нукусда сут ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Зоминда мева-сабзавот сақлаш тизимлари, Андижон вилоятида иссиқхона ҳўжаликлари ишга туширилди.

Президентимизнинг жорий йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни тар-

кибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тadbирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ва бошқа қатор ҳужжатларга асосан тизимда 2019 йилгача 250 миллиард сўмлик олтмишдан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Тadbирда «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси тизимидаги кўп тармоқли фермер ҳўжаликларида етиштирилган мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш, сақлаш, қишлоқда саноатни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишга оид вазифалар муҳокама қилинди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

С.ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганчда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2015» республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳридаги 8-оилавий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 1 миллиард 115 миллион сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилган поликлиникада ҳар бир мутахассислик бўйича маҳсул хоналар ташкил этилди. Қарийб юз миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва мебеллар билан таъминланди.

• Бухорода Халқаро пакетли коммутиация маркази боғламаларини ўзаро боғлаш ва Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш учун узатиш тезлиги секундига 100 гигабит бўлган DWDM рақамли кенг полосали узатиш тизимининг янги линияси ишга туширилди.

• Самарқанд автомобилсозлик коллежида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «ISUZU» шассиси асосида ҳаракатланувчи транспорт воситаларини техник таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи мутахассислар ўртасида «Автомеханик — 2015» техник мусобақаси бўлиб ўтди.

• Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида фестиваль бўлиб ўтди.



• Финляндиянинг телекоммуникация технологиялари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Nokia» компанияси учун жорий йилнинг дастлабки чораги салбий кўрсаткичлар билан яқунланди. Шу вақт давомида компания даромади 85 миллион еврога камайиб кетди.

• Жорий йилнинг биринчи чорагида «BNP Paribas» банки (Франция)нинг соф фойдаси ҳажми 17,5 фоиз ошиб, 1,64 миллиард еврони ташкил қилди. Молия муассасасининг Шимолий Америка ва Осиёда ўз бизнесини тўғри йўлга қўйгани, қолаверса, евроҳудудда корпоратив кредитларга талаб ортгани ана шундай кўрсаткичлар қайд этилишида муҳим омил бўлди.

• «Eurostar» компанияси Буюк Британиянинг Лондон ҳамда Франциянинг Марсель шаҳарлари ўртасида ҳаракатланувчи тезюрар поезд қатновини йўлга қўйди. Эндиликда йўловчилар ушбу қулайликдан фойдаланиб, белгиланган манзилга одатдагидан анча тез — 6,5 соатда етиб олишлари мумкин.

МИШЕЛЬ КАЗАЧКИН: ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТ СОҲАСИДА ҲАМ УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШМОҚДА

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульмонологларининг VIII съезди якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульмонологлари илмий-тиббиёт жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда йигирма яқин мамлакатдан беш юздан зиёд олим, шифокор ҳамда ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақидаги саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Съезднинг шўба мажлислари, давра суҳбатларида мамлакатимиз ва дунёда фтизиатрия ҳамда пульмонология соҳаларида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар, истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директорининг махсус вакили Хайк Никогосян, Москва пульмонология илмий-тадқиқот институти директори, Россия тиббиёт фанлари академияси академиги Александр Чучалин, «Medecins Sans Frontieres» ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Андреас Брундер ва бошқалар мазкур съезд Ўзбекистон ва дунё мамлакатлари аҳолисига кўрсатилаётган ихтисослашган тиббий ёрдамни янада яхшилаш, мутахассис ва шифокорларнинг

билимини ошириш, фтизиатрия ва пульмонология соҳасида халқаро илмий-амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш, фикр ва тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

— Ўзбекистонда Мингйиллик мақсадларига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг махсус элчиси Мишель Казачкин. — Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги дастурлар самарасида сил касаллиги профилактикаси, диагностикаси ва даволаш ишларида изчил ривожланиш кузатилаётган. Ўзбекистондаги қатор тиббий муассасалар, хусусан, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бўлди. У ердаги замонавий тиббиёт техника ва технологиялари, мутахассисларнинг юқори малакаси менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳам эришилаётган ютуқлар эътиборга лойиқ.

Анжуманда фтизиатрия ва пульмонологияда қўлланилаётган замонавий технологиялар ва ўқув дастурлари, сининг дориларга чидамли шакллари аниқлаш ва даволаш билан боғлиқ илмий излашлар натижалари, диагностика ва даволашга янги ёндашувлар, торакал жарроҳликнинг замонавий йўналишлари каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди, маҳорат дарслари ўтказилди.

Ноидра МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири



ЮРТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқлари, жумладан, электротехника саноати жадал суръатларда ривожланмоқда. Утган йил якунларига қўра, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида электротехника саноатининг улуши қарийб 2 фоизни ташкил этди. Ана шу омилини ҳисобга олган ҳолда бу йилги «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» йўналишидаги кўргазма электротехника соҳасига бағишланди.

— Ўзбекистонда юқори сифатли алюмин композит панеллари ва ушбу турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга етказиб беришчи «Alubond composite material» қўшма корхона 2002 йилда ташкил этилган, — дейди «Alubond composite material» қўшма корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамиятининг ташқи иқтисодий фаолият менежери Жазира Ташпулатова. — Фаолиятимизнинг асосий стратегиясини янги технологияларни ўзлаштириш ва ўрганиш, ишлаб чиқаришни мукамаллаштириш ва товарлар хилма-хиллигини ўрганиш ташкил этди. 15 хил рангдаги ички интерьер ва 12 хил рангдаги ташқи интерьер учун

мўлжалланган алюмин композит панеллари буюртмачининг талаб ва истакларига биноан турли шаклда ишлаб чиқарилади.

— Бугун юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш борасидаги иқтисодий ислохотлар мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатларда ривожланишига катта замин яратмоқда, — дейди «ROISON ELECTRONICS» қўшма корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамиятининг савдо-сотик бўлими менежери Абдувоҳид Абдумаджидов. — Компаниямиз Ўзбекистон бозорида 2002 йилдан буён ўз фаолиятини олиб боради. Маҳсулотларимизни аҳолига таништириш мақсадида турли кўргазмаларда фаол иштирок этиб келмоқдамиз. Маиший техникадан телевизор, кир ювиш машиналари, музлаткичлар, ҳаво совуткичлар ва бошқа маҳсулотлар аҳолининг эҳтиёжини қондириб келаётганини таъкидлаш жоиз. Келгусида экспортни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Тадбирда компаниялар вакиллари йиғилганларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтаришди.

Зебо РАХИМОВА
Ўлжин Шамсидинов
олган суратлар

Ҳозирги давр олий таълим тизимига янги талаблар қўймоқда, уни меҳнат бозорида талаб этиладиган рақобатбардош дипломи мутахассислар тайёрлашга йўналтирмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда таълим тизимини модернизация қилишни, жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашнинг илмий-амалий асосларини яратилиш назарда тутилади. Бунда юқори малакали кадрлар тайёрлаш кўп босқичли тизими, узлуксиз таълим, бутун таълим тизимини ривожлантиришга нисбатан инновация ёндашув, олий ўқув юртлирининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим сифатининг халқаро стандартларига ўттиш устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Ҳозирги жамият ривожланишининг янги шариоитлари олий таълим тизими олдида янги устувор вазифаларни қўймоқда. Ўз фикрлаш услубига ва қўйилган вазифаларни ечишга нисбатан ўзига хос ёндашувга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг бутунлай янги даражасини шакллантириш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Олий таълимни изчил ривожлантириш ва тизимли ислох қилиш таълим халқаро стандартларига мувофиқлиқни таъминлашга қаратилган таълим жараёнларининг мазмуну ва уларни ташкил этишга нисбатан янги ёндашувларнинг қарор топтирилишини таъкидлади.

Таълим соҳасида изчил сиёсат, бир томондан, жаҳон таълим стандартларининг юксак даражасига эришишга қаратилган, иккинчи томондан эса — муайян ижтимоий-иқтисодий шариоитларни, шунингдек, ҳалқимизнинг маънавий-маданий қадриятлари ва ўзига хослигини ҳисобга олади. Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг кенг қўламлиги, мазкур жараёнда давлат ўрни ва аҳамиятининг кенгайиши ва кучайиши таълим тизимини, шу жумладан, олий таълимни такомиллаштиришга нисбатан оқилона ёндашувларни топиш йўлидаги излашларнинг аҳамиятини янада кучайтиради.

Давлатимизнинг ушбу соҳада шариоитлар ва самарали химия механизмларини яратишга қаратилган сазй-ҳаракатлари халқаро микёсда мустақил экспертлар («ИНСЕАД» тадқиқотлари) томонидан эътироф этилди. Тадқиқотларнинг натижалари таълим тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор кўрсаткичларга қўра Ўзбекистон жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан устун эканлигини намоён этди. Хусусан, тахлилий маълумотлар Ўзбекистоннинг мамлакат таълим соҳасини ривожлантириш, ушбу соҳага давлат харажатлари, капитал қурилиш ва мактабларни янгиллаш харажатлари, ўқувчилар сонининг ўқувчилар сони билан нисбати, аниқ фанлар ва муҳандислик иши соҳасида битирувчилар сони, GMAT (бизнес-мактабларда муваффақиятли ўқиш қобилиятларини аниқлаш учун стандартлаштирилган тест) бўйича ўқувчиларнинг ўртача баҳосига доир ва бошқа кўрсаткичлари жуда баланд эканлидан далolat беради.

Истиқлол йилларида олий ўқув юртлири сони икки баравар кўпайди ва 60 тага етди, талабалар сони 230 мингдан ошди. Юртимизда Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртлири, хусусан Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодий университети, Инха университети (Жанубий Корея) филиаллари самарали фаолият кўрсатмоқда. Мазкур олий ўқув юртлири меҳнат бозорида талаб этилган машинасозлик, нефть-газ иши, ах-

борот технологиялари, иқтисод ва бизнесни бошқариш, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи, ахборот коммуникация технологиялари сингари ихтисослашқан бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлайди, уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинadиган дипломлар олади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларининг барчаси Ziyonet таълим портали ва Интернетга уланган. Бу масофавий таълим усулларини, ўқувчи-ёшлар учун ахборот-коммуникация хизматларининг кенг мажмуини таълим жараёнига фаол жорий этиш имконини бермоқди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳма-

макомини оширишни назарда тутди. Бундай технологиялар мустақил ишлашни фаоллаштириш, ўқув материални мазмунини бойитиш ва мустаҳкамлашга, янги касбий билимларни ўзлаштиришга, ижодий фаолият (креативлик) ва интерфаоллиқни ривожлантиришга, амалий кўникмаларни шакллантиришга кўмаклашади. Мустақил ишлаш талабларини илмий адабиётлар ва ахборот ресурслари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш учун имконият яратди.

Шуни қайд этиш лозимки, талабалар мустақил ишлаш устидан назоратни ташкил этиш борасида мавжуд тажриба қўйидаги талабаларга риёа этиш зарурлигини таъкидлаш учун асос бўлади. Биринчидан, талабалар мустақил ўқиб-ўрганиш кўникмаларини ўзлаштиришларига қараб мустақил иш ҳажмларини семестрдан семестрга изчил ошириб бориш, фойдаланилаётган мустақил иш шакллари кенгайтириш, оддий шакллдан янада мураккаб шакллга (амалий машғулотда маъруза қилиш, реферат, курс иши ва ҳ.к.) изчиллик билан ўттишни амалга ошириш лозим.

Иккинчидан, бажарилаётган ишларнинг ижодий хусусиятини доимий равишда ошириб бориш, уларга амалий тажрибани умумлаштириш, илмий тадқиқот усулларини фаол қиритиш, уларнинг мустақил хусусиятини кучайтириш зарур.

Учинчидан, ўқитувчи мустақил ишни доимий равишда бошқариб бориши, уни ташкил этишни ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги, таълим жараённинг барча босқичларида талабаларни назорат қилиш ва уларга ёрдам бериш оқилона тизимини татбиқ этиши керак.

Талабалар мустақил ишининг услубий мазмуну бўлғуси мутахассис аниқ амалий муаммоларни турли билим соҳаларидан олинган воситалар ёрдамида ечишга йўналтирилиши лозим. Яъни пайтда «кейс» усули, кенг қўламли технологик вазифалардан фойдаланиш, аниқлик маҳкам роль ўйнайди. Мазкур вазифаларни бажариш жараёнида талаба нафақат академик билимларни, балки ноъёнавий ёндашувлар ва янгиликка интилиш тафаккурини ҳам наъёнавий этиши мумкин. Мустақил ишни ташкил этиш амёнавий шакллдан ташқари, амалий ўйин, мунозараларга тайёрлар қўриш, талабаларнинг ишларини уларнинг ўзлари тақризлаши, глоссарийлар тузиш, илмий шарҳлар, мақолаларни тайёрлаш ва ёзишдан фойдаланиш мумкин.

Талабалар мустақил ишлаш устидан назорат олиб боришнинг юқорида кўриб чиқилган шакллари билан чекланмайдиган, бошқа йўналишларга ҳам эга бўлган мазкур усулни эътироф этган ҳолда, биз ушбу тажрибани марказлаштирилган тартибда ўрганиш ва умумлаштириш мақсадида мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз, чунки олий ўқув юртининг турли кафадрларида ундан фойдаланиш даражаси турличадир.

Талабалар мустақил ишни ташкил этишининг бу ва бошқа масалалари олий ўқув юртининг соҳавий кафадрлари, услубий кенгашлар ўз мажлисларида уларни янада фаол муҳокама қилишларини, илгор тажрибани умумлаштиришларини, уни бошқалар мулкига айлантиришларини, ўқув жараёни сифатини умумий оширишга, малакали мутахассислар тайёрлашни яхшилашга кўмаклашишларини таъкидлади.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

Халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгашида

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси кун тартибига қиритилиши мўлжалланган янги тахрирдаги «Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонун муҳокама этилди.

Тошкент шаҳридан сайланган сенаторлар, доимий комиссия аъзолари, Кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказидан соҳа мутахассислари, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсири хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисига қизгин ҳозирлик қилинмоқда. Хусусан, парламент юқори палатаси йиғилиши кун тартибига қиритилиши мўлжалланган масалалар кўмиталар томонидан соҳа мутахассислари, экспертлар, олимлар ҳамда амалиётчилар иштирокида атрофича ўрганиб чиқилмоқда.

Чунончи, Олий Мажлиси Сенатига Қонунчилик палатасидан келиб тушган қонунлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг тегишли кўмиталари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларида кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти кўриб чиқилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонуннинг доимий комиссия мажлисида муҳокама қилинган, умуман, бундай амалиётнинг жорий этилгани эътиборга молик воқеадир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, қабул қилинаётган қонунларда умумдавал ва худудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш учун бу жуда ҳам муҳимдир. Қонун муҳокамаси жонли ва амалий баҳс-мунозаралар билан сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг фаол иштирокида ўтди. Сўзга чиққанлар ушбу Қонуннинг худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, хусусан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтти.

Йиғилишда кимматли қоғозлар бозорининг фаоллашуви ва муваффақиятли фаолият қўрсатиши мамлакатимизни барқарор иқтисодий ривожлантириш омилидан бири эканлиги қўсатиб ўтилди. Жадал ривожланиб бораётган фонд бозори турли тоифадаги инвесторлар, жумладан, аҳолига бўш пул маблағларини кимматли қоғозлар сотиб олишга йўналтириш ва даромад олиш имконини бермоқда. Қонунда қўзда тутилган барча янгиликлар, шубҳасиз, кимматли қоғозлар бозоридagi инвестиция ва рақобат муҳитини яхшилаш, инвестиция ва инновация лойиҳаларини молиялаштириш учун қорхоналарнинг акция ҳамда корпоратив облигациялардан унумли фойдаланишига хизмат қилади.

Йиғилиш қатнашчилари доимий комиссияда бўлиб ўтган янги тахрирдаги ушбу Қонун муҳокамаси унинг нафақат худудлар манфаатларига мослигини ўрганишга, балки амалиётчилар, олимлар учун ҳам янги манбаларни яратиш, қонуннинг ишлаш механизмлари ҳақидаги тасаввурни шакллантириши алоҳида таъкидланди.

Доимий комиссия йиғилишида қўрилган долзарб масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар қўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2015 йил 15 майда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси кун тартибига қиритилиши мўлжалланган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ва янги тахрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Харакат дастурида парламент юқори палатаси ялпи мажлисларида кўриб чиқиладиган қонунларда умумдавал ва худудлар манфаатлари мутаносиблигига эришиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Ушбу қонунлар лойиҳаларининг доимий комиссияларида муҳокама этилаётгани уларнинг пишқиш ва пухталигини таъминлайди.

Доимий комиссия мажлисида кун тартибига қўйилган долзарб масалалар қизгин муҳокама этилди. Жумладан, «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг транспорт воситаларининг барча турларида ташишни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини кафолатлашга қаратилгани билан аҳамиятли эканлиги таъкидланди.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда мажбурий суғурта тизимидан фойдаланиш қўламини кенгайтиб, фуқароларимизнинг манфаатдорлиги ортиб бормоқда. Йиғилишда шунингдек, янги тахрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»-ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Муҳокама давомида янги тахрирдаги ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни қўрқулаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қўлай шарт-шариоитлар яратишга хизмат қилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш кун тартибига қиритилган масалалар юзасидан Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда соҳа мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қўрилган масалалар юзасидан доимий комиссия томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жасорат, бурч, матонат

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида «Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ДИЛЛАР ҚУВНАЙДИ

Тошкент шаҳар ва Олмазор ҳамда Учтепа туманлари ҳокимликлари, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси ҳудудий кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда бир гуруҳ уруш ва меҳнат фронти фахрийларига «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари ва совғалар топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Учтепа тумани ҳокими Абдуҷамил Досмуҳамедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида кекса авлод вакиллари ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб турмуш шароитлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлаб ўтишди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларининг кўрсатган жасорати давлатимиз томонидан қадрланиб, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, 2015 йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»-ги ва шу йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари билан мукофотлаш тўғрисида»-ги Фармонлари мамлакатимизда уруш ва меҳнат фронти фахрийларига кўрсатилаётган доимий эътиборни изчиллик билан давом эттиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси Олмазор тумани Кенгаши раиси Аҳмад Ходжаев. — Ҳозирги кунда туманимизда 39 нафар

Иккинчи жаҳон уруш фахрийлари истиқомат қилади. Хотира ва қадрлаш кўни арафасида кенг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда уруш фахрийлари ҳолидан хабар олиш, эсдалик совғалари топширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан барча нуронийларимиз мамнун. Кексаларимиз ҳолидан хабар олиш, ғамхўрлик кўрсатиш каби хайрли ишларни йил бўйи давом эттириш кўзда тутилган. Уларга сиҳаттоҳларга бир йилда бир марта бепул дам олиш ва даволаниш учун йўлланмалар берилмоқда. 280 нафар кексаларимиз тиббий кўрикдан ўтган бўлса, 86 нафарига йўлланмалар тақдим этилди.

Урушнинг аянчли ва суронли кунларини кўриб, ҳозирги юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик учун беҳад шукроналар келтирамиз, — дейди Олмазор туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Анвар Шомасқудов. — Яқинда мактаб ўқувчилари билан гаплашиб қолдим. Уларнинг сўзлари, фикрлари нисбатан, дилдан қувондим. Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат, бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатнинг кучлилигини кўриб келажагимиз ишончли қўлларда эканлигига амин бўлдим.

Уч ярим йил давомида юртим ва яқинларимдан узоқда бўлиб, урушнинг қажнатқич зарбаларини кўрганман, — дейди Учтепа туманидаги «Боғистон» маҳалласидан келган Иккинчи жаҳон уруши қатнаш-

чиси Қирғизбой Камолов. — Шундай дорилмомон кунларни ёшларимиз кўз қорачиғидек асраб, қадрлашлари лозим. Давлатимиз раҳбари томонидан биз — нуронийларга кўрсатилаётган чексиз ҳурмат, эътибор, иззат-ҳурматдан кўнгилларимиз тоғдек кўтарилмоқда.

Дарҳақиқат, уруш ва меҳнат фахрийларининг юрт тинчлиги йўлида кўрсатган жасорат ва матонат фидойиликлари натижасида ҳозир тинчлик ва фаровон турмуш кечирмоқдамиз. Осмонимиз узра тинчлик қабулларлари парвоз қилмоқда.

Ҳозир 92 ёшдаман, мустақиллик берган тинчлик ва хотиржамликнинг қадрли қанчалар баландлигини жуда яхши биламан, — дейди Олмазор туманидан келган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ишпулат Сайдалиев. — 7 йил умрим фронт ортида кечди. Бундай қора кунлар, урушнинг аянчли оқибатлари



қалбларимизни ларзага солади. Юртимизга кўз тегмасин, невараларим билан бахтли-саодатли умргузаронлик насиб қилганидан жуда мамнунман. Биз каби кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳеч қайси юрда бўлмаса керак.

Ватан, тинчлик, эзгуликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Зиёда РАСУЛОВА

Ислом Исмоилов олган сурат

ҲАЁТИ ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ

Ўн тўртта тўлиб-тўлмаган жамалак соч қиз урушнинг суронли йилларида Гаффар Раҳимова раҳбарлигидаги фронт концерт бригадасида ўз фаолиятини бошлаган. У ижро этган қўшиқлар, рақслар мингглаб ўзбек жангчиларининг руҳини кўтариб, кўнглига маънавий мадад бўла олган.

Уша ҳушовоз қизча — бугун Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева элимиз ардоғидаги санъаткор.

9 май — Хотира ва қадрлаш кўни арафасида Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши вакиллари «Касаба уюмлари — фахрийларга» ижтимоий акцияси доирасида Яйра опа сингари уруш ва меҳнат фахрийлари хонадонига бориб, уларга байрам совғаларини топширди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўламини тобора кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ушбу йўналишдаги янги таъабубларга қанот бўлмоқда. Байрам арафасида тинчлигимиз, ошуда ҳаётимиз учун мардлик ва фидойилик кўрсатган отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олинмоқда. Уларга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг совғалари топширилмоқда.

«Касаба уюмлари — фахрийларга» акцияси доирасида Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши томонидан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига манзилли ёрдам кўрсатишмоқда. Тизимдаги санаторияларда уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерлар имтиёзли тарзда даволанмоқда. Нуронийлар ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга зарур муолажалар тайинланмоқда. Кўтулғ байрам арафасида 700 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийси учун Самарканд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилди.

Биз, кексаларга кўрсатилаётган иззат-икромдан кўнглимиз осмон қадар юксалди, — дейди уруш фахрийси Утамурод Ўталиев. — Тинчлик дунёдаги энг бебаҳо, тенгсиз неъмат. Шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод ва қўрқам бўлиб бормоқда. Навқирон авлод замонавий мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий таълим даргоҳларида билим олинмоқда. Тинч-осойишта, ёруғ ва саодатли кўнларни асраб-авайлаш, истиқлол имкониятларининг қадрига етмоқлик ёшларимиз зиммасидаги фарзандлик бурчдир. Илоҳим, бугунги ёруғ кўнларимизга, тинчлигимизга, истиқлолимизга кўз тегмасин!

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Мирзо Улуғбек туманидаги «Лашкарбеги» маҳалласи ҳудудидаги «Тарона» маросимлар масканида Кексаларни эъзозлаш йили, Хотира ва қадрлаш кўни ҳамда 1941-1945 йилларда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги муносабати билан бу ерга ташриф буюрган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари, азиз меҳмонлар шарафига олқишлар янгради...

Бу ерда ўтказилган «Лашкарбеги» маҳалласи фуқаролар йиғини, Тошкент Ирригация ва мелiorация институтини ҳамда маросимлар маскани маъмурияти ҳамкорлиги ва ҳомийлигида ўтказилган авлодлар учрашуви маънавий-маърифий-маданий тадбири унинг ҳар бир қатнашчиси қалбига бир олам шодлик улашди.

Айни шу кезларда юртимизда Хотира ва қадрлаш кўни «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида ўтказилаётганида катта маъно бор, — деди авлодлар учрашуви маросимини очар экан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Ҳужаев. — Дарҳақиқат, тинч ва осойишта юртимизга байрамлар ярашди. Ўз ҳаётини Ватан озодлиги йўлида қурбон қилган юртдошларимиз хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром, бугунги тинч ва осойишта, фаровон турмушимизнинг қадри нихоятда аҳамиятлидир. Ўтаётган кунимизга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Маросим қатнашчилари маҳаллада истиқомат қилаётган, кексалик гаштини

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

сураётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъодаги генерал Абдуллажон Ортиқбоевнинг уруш хотиралари ҳақида айтган сўзларини ҳаёжон билан тингладилар.

Шундай дорилмомон кунларга етказганига шукроналар айтман, — дейди Абдуллажон Ортиқбоев. — Тинчлигимизга кўз тегмасин. Уруш даҳшатларини бошимдан кечирдим. Уша оғир йиллар ҳеч кўз ўнгимдан кетмади. Инсон қадри улугланадиган, хотирасига эҳтиром ва эъзоз кўрсатиладиган шундай азиз Ватанда яшаётган ҳам ортиқ бахт борми? Уруш қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари, биз каби нуроний отахон ва онахонларга чексиз ғамхўрлик кўрсатаётган мухтарам Юртбошимизнинг умрлари узоқ, азиз бошлари омон бўлсин.

Маънавий-маърифий-маданий маросимда сўзга чиқ-

қан «Лашкарбеги» маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфияхон Расулий, маҳалла хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотининг раиси Азизахон Усмонова, меҳнат фахрийларидан Григорий Айрапетянц, Ирик Мусин, Ғиёс Шермухаммедов ва бошқалар юртимизда ёши улуг инсонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳақида тўққинлиб гапирдилар.

Шу кунни маросимга кела олманг кексалар эсдан чиқарилмади. Маҳаллада яшаётган фахрийлар йўқлиги, кўнгиллари кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлганидек «Лашкарбеги» маҳалласида ҳам умумхалқ байрами арафасида ёши улуг инсонларга меҳр-эътибор, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Хондамир СОЛИХОВ

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, бир томондан, жаҳон харитасида мустақилликка қадам ўз ўрнига эга бўлмаган, янгидан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси номи остидаги мустақил миллий давлатнинг тарихи ҳисобланади. Бошқа томондан, суверен мамлакат тарихи сифатида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи инсоният тараққиётининг янги босқичи (энг янги тарихи) бўлиб мутаносиб келмоқда. Ўз навбатида, юртимизнинг энг янги тарихи инсоният янги тарихининг таркибий қисми бўлиб, замонавий глобал воқеа-ҳодисалар билан бевосита боғлиқдир.

Энг янги тарихимизнинг ўзига хос жиҳатлари, мустақиллик йилларида қўлга киритилган муваффақиятларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, батафсил ёритиш тарихчилар зиммасига улкан масъулият юклайди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори Равшан Абдуллаев. — Илмий даргоҳимизда замонавий тарих ва халқлар тадқиқотлари бўлими олимларининг сўнгги йилларда олиб борган илмий изланишлари, йиғирмадан ортиқ монографиялари нашр этилди. Бинобарин, олимларимиз ва ёш тадқиқотчиларимиз янги тарихнинг долзарб масалаларига бағишлаб чет элларда ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Тадбир доирасида энг янги тарихимизни ўрганиш борасида амалга оширилаётган илмий изланишлар ва амалий лойиҳалар натижалари таҳлил этилди.

Мулоҳаза, мунозаралар ва қизгин фикрларга бой бўлган матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмасининг
«ЙИЛНИНГ ЭНГ
ФАОЛ
ЖУРНАЛИСТИ
2014»
танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Йилнинг энг фаол журналисти – 2014» танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2014 йилнинг 1 июнидан 2015 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлари қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 10 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти – 2014» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб ўтказилаётган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти – 2014» танловига деб кўрсатилган ҳолда қўйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,

Навоий кўчаси, 30-ўй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

3-қават, 30, 35-хоналар.

Телефонлар: (0-371) 244-64-61; 244-37-87.

www.journalist.uz

Ёшлар — келажагимиз

ЭСТЕТИКА
ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ

Комилликни маънавий ва жисмоний уйғунликсиз тасаввур этиш қийин. Маънавий-руҳий барқарорлик таъминланган мамлакатда эса соғлом ва баркамол авлод шаклланади. Куч — билим ва тафаккурда. Оддий мактабдан тортиб, ҳунарманд ёшлар маскани коллежларга ўқув даргоҳларида ҳаётта табиқ этилаётган мукамал дастурий режалар озод ва обод юрт ворисларини тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Биз ҳам ана шундай Ватанга содиқ ўғил-қизларни тарбиялашда камарбаста бўлиб турибмиз, — дейди 201-мактаб директори Саодат Мирзакаримова. — Бу йил ҳам «Апрель — эстетика фанлари ойлиги» анъанавий тадбирини муваффақиятли ўтказдик. Мақсад ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишларига эришишдан иборат эди. Шу мақсадда режаланган тасвирий санъат, мусика маданияти, ўймакорлик ва нақшошлик, каштачилик, электрон техника ҳақида тушуна, жисмоний тарбия, шахар ва музейларга саёҳат каби машғуллотлар болаларда катта қизиқиш уйғотди. Наргиза Мансурова, Азимжон Рўзиев, Сурайё Эргашева, Дилшод Собиров каби ўқитувчилар ойлиқни кўтаринки руҳда ташкиллаштиришда ибрат кўрсатишди.

Турли мусобақаларда ғолиб бўлган болалар чеҳрасидаги қувончни кўриб, уларнинг келажаги порлоқ эканига амин бўлдик. Хусусан, каштачиликда 5-синф ўқувчиси Мадина Нурмухаммедова барча тенгдошларини ортада қолдирган бўлса, югуриш, сакраш, теннис, арқон тортиш баҳсларида Махмуда Шукурова 6-синфдаги тенгқурлари ишончини оқлаб «Спорт маликаси» номини олди. 7-синфлар ўртасида «Санъат шайдолари» беллашувида Нигина Собитова, «Энг яхши ташкилотчи» сифатида эса Азиза Ортиқовалар олқишланди.

Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Мақсад барча ҳаракатларимиз самараси ўлароқ келахак ворисларини ҳар жиҳатдан баркамол тарзда тарбиялашдан иборат. Бугунги болалар орасида «Фортепиано шахзодаси» Шоҳруҳ Бахтиёров, таэквондо бўйича жаҳон чемпиони Дилбар Холжигитова каби, қолаверса юзлаб Зулфияхоним издошлари қамол топса, ажаб эмас.

Гулбаҳор МАМАЖОНОВА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида «Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б. Абдуҳалимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси проректори Ш. Абдуллаев ва бошқалар тарихимизни ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ёшларни Ватанга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашда тарихимизнинг аҳамияти, тўған ўрни ҳақида фикр билдирдилар.

Энг янги тарихини ўрганишнинг аҳамият-ли жиҳати шундаки, у орқали замонавий ҳаётга бевосита таъсир қилаётган ҳодисаларни вақтида англаш ва тушуниш мумкин. Бинобарин, энг янги тарихнинг замонавий жараёндан билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, унда келажакни кўриш билан боғлиқ бўлган тенденцияларни баъшорат қилиш салоҳияти мавжуд.

Юртбошимизнинг 2012 йил 27 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»-ги Қарори илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, истиқлол даври тарихини ўрганишга доир илмий лойиҳаларни такомиллаштириш, иктидорли ёш олимларни соҳада олиб борилаётган изланишларга жалб этишда дастуруламал бўлмоқда.

Ушбу йўналишдаги вазифаларни ҳаётта таътиб этиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг

энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши ва мувофиқлаштирувчи методик марказ ташкил этилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида энг янги тарих муаммоларини тадқиқ этиш жа-

лари хотираси музейи, Адабиёт музейи фаолият юритмоқда.

Олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигида янги таълим стандартлари асосида дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёр-

Анжуманлар

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ
ЭТМОҚДА

раёнининг фаоллашганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Бунда тарих, халқаро муносабатлар назарияси, социология, антропология, фалсафа, иқтисодий назария, сиёсатшunosлик, тилшunosлик, адабиётшunosлик, санъатшunosлик каби фанларни қамраб олган фанлараро ёндошувга асосланган методологияга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида Ўзбекистон энг янги тарихининг турли қирраларини тадқиқ этувчи Тарих, Тил ва адабиёт, Санъатшunosлик институтлари, гуманитар фанлар бўйича Қорақалпоқ илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Қаттагон қурбон-

ланди. Ўтган давр мобайнида тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий йўналишда ўн бешта адабиёт яратилди. Энг янги тарихга оид қатор илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилди. Бир қанча тўплам ва монографиялар чоп этилди.

Айни пайтда, «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари» деб номланган илмий журнал ҳам тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, тарих фани тараққиёти ва ижтимоий ривожланиши Ўзбекистон тарихчилари зиммасига жаҳон амалиёти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тарих фанини юқори илмий-назарий даражага олиб чиқиш, янги илмий йўналишларни ўзлаштириш каби вазифаларни қўймоқда.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг метеоролог хизмати маълумот кўни ҳаво ўзгариб туради, тизга кўра, 8 майда Тошкент ёғингарчилик бўлмайди. 9 шаҳрининг об-ҳаво шароити майга ўтар кечаси ёмғир, янаҳар ҳаво муҳитида зарар-жасал ёпиши мумкин. Шарқ-ли моддаларнинг сақланиб дан ғарбга томон секундида қоллишега имконият яратадан 5-10 метр тезликда, кундузи, ифосиланиш даражаси ган ҳолда секундида 12-17 паст бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 10 майда чиқади).

Тўртинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

1992 йилда Тошкент шаҳридаги баъзи туманларга янги номлар берилган. Улар қайси туманлар эди?

ЭНГ КУЧЛИЛАР БАҲС
ЮРИТДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғининг «Наврўз» мажмуасида анъанавий тарзда ўтказилаётган «Касаба – ТУР» веломарафонининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақада пойтахтдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлардан иборат ҳаваскор велоспортчилар қатнашди.

Мусобақа Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлариغا эътибор қаратиш мақсадида ўтказилди.

Веломарафон бошланишидан аввал мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари велоспорт бўйича маҳоратларини намойён этишди.

— Спортга жуда ҳам қизиқаман, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 497-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Мубина Абдумажидова. — Дугоналарим билан копток ўйнаймиз, велосипед учамиз. Ўтказилган мусобақада ака-опаларимнинг маҳоратларини кўриб, мен ҳам келгусида моҳир спортчи бўлишни орзу қилдим.

— Мусобақа «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўрта-

сида спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлариغا эътибор қаратиш мақсадида ташкил этилди, — дейди Истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Юнусобод тумани кенгаши раиси Камолитдин Худойбердиев. — Мазкур мусобақанинг туман босқичида тумандаги 8 та тармоқдан жами 131 нафар ҳаваскор велоспортчилар (шундан 52 нафари аёллар) ғолиблик учун беллашди. Узининг маҳоратини намойён этган ғолиблар шаҳар босқичида қатнашапти. Ўйлаймизки, ушбу марафон спортнинг янада оммалашishiга хизмат қилади.

Бахсларда барча тармоқлардан иштирокчилар фаол қатнашди. Натижаларга кўра мусобақада 20-35 ёшгача эркеклар ўртасида Сергели туманидаги 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Дониёр Ҳамроев, аёллар орасида Яшнобод туманидаги 35-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчиси Ирина Лукиенколар шохсупа тўридан жой олишди.

— 14 ёшдан бери сув спорти билан шуғулланиб келаман, — дейди ғолиблар сафидан ўрин олган Дониёр Ҳамроев. — Велоспортга ҳам қизиқишим кучли.



Айнан ота-онам ва мураббийларимнинг берган ўғиту насиҳатлари билан спортда кўплаб ютуқларни кўлга киритмоқдаман.

35 ва ундан катта ёшдаги эркеклар ўртасида ғолибликни Юнусобод туманидаги 544-мактабгача таълим муассасаси ходими Вячеслав Пятков эгаллаган бўлса, аёллар орасида эса Олмазор туманидаги 37-спорт мактаби мураббийи Светлана Исаева зафар қучди.

Қизгин бахсларга бой мусобақада 1-ўрин соҳибларига ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар топширилди. Веломарафонда 2-, 3-ўринларни эгаллаган «Энг ёши улуг пойгачи», «Энг маҳоратли пойгачи», «Ғалабага бўлган интилиши учун», «Энг ёш пойгачи» ва «Энг фаол аёл пойгачи» номинациялари бўйича ғолибларга эсдалик совғалари ва диплом тақдим этилди. Ғолиблар мусобақанинг республика босқичига йўлланиш олдди.

Зарина РУСТАМОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Ҳамшаҳарларимиз диққатига!
«Ўзбектелеком» АК нинг «ТШПТ» филиали маълум қилади:

Кўрсатилаётган хизматларни яхшилаш ва телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш мақсадида, Шайхонтоҳур телефон боғламаси 240-ЭАТСи ҳамда 245-ЭАТСларида жорий йилнинг май ойи охиригача ускуналарни режали реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Ўтказилаётган реконструкция ишлари муносабати билан қайта улаш вақтида алоқада ва интернет хизматида қисқа муддатли носозлиқлар бўлиши мумкин, етказилган ноқулайлиқлар учун олдиндан узр сўраймиз. 240-ЭАТС бўйича қайта уланишга тегишли бўлган манзиллар:

Олмазор туманидаги Уста Олим, Шарофиддин Илоқий, Янгиер, Чилтўғон 3-тор, Чилтўғон, Шоҳаким Тошкандий, Кохота, Сойбўйи, Фаол, А.Соғуний кўчалари, Бешёғоч даҳаси, Тахтапул даҳаси, Себзор даҳасидаги 33,35В,Г уйлар ва унга ёндош кўчалар, тор кўчалар ва берк кўчалар.

Маълумот учун телефон рақамлари: 240-21-70.

245-ЭАТС бўйича қайта уланишга тегишли бўлган манзиллар:

Чилонзор тумани, Олмазор даҳаси, Бешёғоч, Фурқат, Ўзбекистон ва унга ёндош кўчалар, тор кўчалар ва берк кўчалар.

Маълумот учун телефон рақами: 245-21-70.

«PROFECTO PHARM» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 207160733) жамият устав фонднинг 20 000 000 (йигирма миллион) сўмдан 10 000 000 (ўн миллион) сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб

бир ой давомида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,

Ахмад Домиш кўчаси, 47 А-уй манзили бўйича қабул

қилинади.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2015 йил 15 майдан электр энергияси учун янги тариф белгиланди, яъни аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт.соат электр энергиясининг нархи 155 сўм 00 тийин этиб белгиланди. Ошқонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 77 сўм 50 тийин белгиланди.

«ToshshahETK» AJ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш
ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензия мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қўйидаги йўналишлар қўйилади:

2015 йил «11» июнь

соат 10⁰⁰ да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	6И	«Чилонзор буюм бозори АШБ – Спорт моллари дўкони бекати»	Микроавтобус
2.	11А	«Аэропорт АШБ – Белтепа мавзеси»	Автобус
3.	29А	«Хувайдо маҳалласи – Жомий майдони»	Автобус
4.	42А	«Бешёғоч майдони бекати АШБ – Кенсой кўрғони қишлоқ хўжалик коллежи»	Автобус
5.	43А	«Юнусобод 6-мавзе АШБ – Фтизиатрия институти бекати»	Автобус
6.	65А	«Чорсу метроси АШБ – М.Фозилов ж.х.»	Автобус
7.	70М	«Тошкент вокзали АШБ – Тузёл мавзеси»	Микроавтобус
8.	76А	«Қорақамиш 2/4 мавзеси АШБ – Тошкент вокзали АШБ»	Автобус
9.	82А	«Юнусобод-17 даҳаси – Ибн Сино-2 мавзеси АШБ»	Автобус
10.	85А	«Қорақамиш 2/4 мавзеси АШБ – Тошкент МУМ АШБ»	Автобус
11.	100А	«Қорақамиш 2/4 мавзеси АШБ – Чилонзор буюм бозори»	Автобус
12.	100М	«Уриқзор мавзеси АШБ – Олой бозори бекати»	Микроавтобус
13.	109А	«Чорсу метроси АШБ – Чуқурсой темир йўл станцияси»	Автобус
14.	111А	«Оқтепа майдони бекати – Юнусобод 9-мавзеси АШБ»	Автобус
15.	116А	«Шифокорлар шаҳарчаси АШБ – Чилонзор буюм бозори»	Автобус
16.	118А	«Чилонзор буюм бозори АШБ – Узлосавдо»	Автобус
17.	125М	«ТошМИ-2 бекати – 16-шаҳар шифохонаси бекати»	Микроавтобус
18.	181М	«Сайрам кўчаси бекати – Маданият олийгоҳи бекати»	Микроавтобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга тақдоран қўйиладиган йўналишлар

1.	3А	«Қорақамиш 2/4-мавзеси АШБ – Бошлиқ мавзеси»	Автобус
2.	4И	«Чорсу метроси АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
3.	5А	«Гулобод кўчаси бекати – Феруза мавзеси бекати»	Автобус
4.	7И	«Дўмбробод мавзеси – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Микроавтобус
5.	19А	«ТТЗ АШБ – Тошкент МУМ АШБ»	Автобус
6.	21А	«Қорасув 1-мавзеси АШБ – Тошкент МУМ АШБ»	Автобус
7.	24А	«ТТЗ АШБ – Юнусобод 6-даҳаси АШБ»	Автобус
8.	25А	«Чорсу савдо маркази АШБ – Чилонзор 20-даҳаси АШБ»	Автобус
9.	38М	«Хувайдо маҳалласи – Ибн Сино 2-мавзеси АШБ»	Микроавтобус
10.	40А	«Сергели 12-даҳаси бекати – Тошкент вокзали АШБ»	Автобус
11.	47А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Гулобод кўчаси бекати»	Автобус
12.	48А	«Сергели саноат минтақаси – Ал Хоразмий мавзеси бекати»	Автобус
13.	49А	«ТТЗ АШБ – Дўстлик метроси АШБ»	Автобус
14.	58А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Эскаватор заводи бекати»	Автобус
15.	60М	«Чорсу савдо маркази АШБ – Шамсубод маҳалласи»	Автобус
16.	71М	«Олой бозори бекати – Чилонзор 25-мавзеси АШБ»	Микроавтобус
17.	86А	«Сергели кўрғони – Чилонзор буюм бозори АШБ»	Автобус
18.	89А	«Қорасув1-мавзеси АШБ – Чорсу савдо маркази АШБ»	Автобус
19.	92А	«Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Тошкент халқаро Аэропорт бекати»	Автобус
20.	101А	«М.Улуғбек кўрғони – Буюк Ипак йўли метроси бекати»	Автобус
21.	104А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Янгиобод мавзеси АШБ»	Автобус
22.	126А	«Тошкент қувур заводи бекати – Чорсу савдо маркази бекати»	Автобус
23.	127А	«Чилонзор 25-даҳаси АШБ – Авиасозлар АШБ»	Автобус
24.	129А	«Авиасозлар АШБ – Юнусобод-17 даҳаси»	Автобус
25.	130А	«Сергели 7-мавзеси АШБ – Қўйлик М2 АШБ»	Автобус
26.	131А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ – Олимпия меҳмонхонаси»	Автобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртмаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧЭКИ АТ «Савдогар Банк»даги 20210000604197971001 х/р (банк коди 00835, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га 326,000 сўм ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17⁰⁰да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 555

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11298 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси, Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ